

**ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ  
ШАРТНОМА № 1**

2022 йил 21 январь

Навои шаҳри

Кейинчалик “Сотувчи” деб юритилувчи “SMART FARM-2020” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Бердиев Ш.М. бир томондан ва кейинги ўринларда “Харидор” деб юритилувчи **Марказий банк Навоий вилояти бош бошкармаси** номидан иш юритувчи **Пардаев Х.С.** бошқа томондан, биргаликда “Томонлар”, ушбу шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот)ни қўйидаги жадвалга асосан Буюртмачига ўз вактида сифатли килиб етказиб бериш, Буюртмачи эса товар (маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Баҳоси (сўм)	Суммаси
1	Спирт 50 мл.	дона	1 000	1 200	1 200 000
2	Маска	дона	1 000	900	900 000
3	Антисептик	дона	30	19 000	570 000
4	Жидкое мыло – Olivia 500 мл.	дона	30	9 000	270 000
5	Жидкое мыло – Baw (Антибактериальное 340 мл.)	дона	20	8 000	160 000
6	Влажные салфетки – Premium beauty (100 шт. в пачке)	пачка	20	13 000	260 000
Жами:			2 100		3 360 000

Шартноманинг умумий суммаси **Уч милион уч юз олтмиш минг** сўмни ташкил қиласди.

1.2. Товар (Товарнинг хар бир партияси) нархи, номи, микдори ва ассортименти Томонлар томонидан хар бир партия бўйича келишиб олинади ва мазкур шартноманинг ажралмас кисми хисобланадиган Томонлар томонидан келишилган спецификацияларда / хисобварак-фактурада белгиланади.

1.3. Харидор тўлиқ инфратузилмага, шу жумладан омбор, малакали ходимларга, амалдаги қонун хужжатларида белгиланган барча зарур руҳсатномалар ва бошка талабларга ега эканлигини кафолатлади.

**2. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

2.1. Шартноманинг умумий суммаси ушбу шартнома шартларига кўра тузилган спецификациялар / хисобварак-фактурада кўрсатилган Товарни умумий киймати билан белгиланади (Спецификациялар / хисобварак-фактуралар умумий сони \_\_\_\_).

2.2. Харидор бронь олинган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичida бронь килинган (сўралган) товарлар умумий суммасининг 15% микдорида олдиндан тўловини амалга оширади. Шартнома суммасининг қолган 85% хисобварак-фактура имзолангандан сўнг 30 календар куни мобайнида ўтказилади.

2.3. Ушбу шартноманинг 2.2 банди бузилган ҳолда Товар нархи, спецификация / хисобварак-фактурани қайта расмийлаштириш билан қайта кўриб чикилиши шарт.

2.4. Олдиндан тўлов муддати тугаганидан сўнг, битим бажарилмаган деб тан олиниб Сотувчи томонидан Товар банд қилиш бекор килиниши мумкин.

2.5. Муддати ўтган дебиторлик карзлари шаклланган ҳолатда, томонлардан бирининг заруратига кўра бошка томонга тақдим килинган (почта манзили ёки бошка реквизитлари бўйича лозим даражада етказилган) кундан бошлаб 5 (беш) календар кун ичida ўзаро хисоб-китоблар далолатномасини имзоланиши шарт. Белгиланган муддат тугаши билан, агар томон асосланган ёзма эътиrozлар тақдим этмаган бўлса ёки далолатномани имзолашдан бўйин товласа, далолатнома кабул килинган хисобланади.

2.6. Ушбу шартноманинг 2.5 бандига мувофиқ, дебитор бўлган Томон қарзни тан олган деб хисобланади ва ушбу банд асосида кредитор бўлган Томон қарзни ундириш учун дебитор бўлган Томоннинг банк хисоб ракамига акцептсиз тўлов талабномаси тақдим этиши хукукига ега бўлади.

**3. ТОВАРНИ ТОПШИРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Сотувчи ўзининг банк хисоб рақамига ушбу шартноманинг 2.2. бандида кўрсатиб ўтилган маблаглар келиб тушгандан сўнг 5 (беш) банк куни ичida Харидорга Товар партиясини чиқариб юбориш мажбуриятини олади.

3.2. Сотувчи бериладиган Товарга мувофиқлик сертификатини тақдим этиши мажбуриятини олади.

3.3. Харидор товарни ўз транспорти оркали ва ўзининг хисобидан олиб кетишин таъминлайди.

3.4. Товарни етказиб бериш хамда Сотувчидан Харидорга эгалик хуқукининг ўтиши лахзаси Харидор (унинг вакили) томонидан Сотувчи тақдим этадиган хисобварак-фактура имзолаш вақти хисобланади. Мазкур хисоб-фактуралар ва ишончномалар электрон тартибда амалга оширилади.

3.5. Харидор Товарни хисобварак-фактурага кўра унинг микдори ва ассортименти бўйича, сифати бўйича эса – товар етказиб бериш вақтида Сотувчи томонидан берилган мувофиқлик сертификатига кўра Сотувчининг омборида кабул киласди. Харидорнинг ваколатли вакили томонидан етказиб берилган товар партияси учун юқ хужжатларни (хисобварак-фактурани) имзолаши Харидор томонидан товарларни ушбу шартнома шартларига мувофиқлигини тўлиқ текширилганлиги фактидир.

Етказиб берилган товарлар микдори, ассортименти ва сифати бўйича Харидорнинг эътиrozлари бўйича Сотувчи вакилининг узурида Товар партиясини қабул килиш вактида далолатнома тузилади ва томонларнинг вакиллари томонидан товарларни қабул килиш ва топшириша иштирок этувчилар томонидан имзоланади. Товарнинг нуксонли бирликлари аникланган тақдирда ёки етказиб берилсаётган партияда етишмовчилик бўлса, Сотувчи 10 кун ичидаги нуксонли Товарларни тегишли сифатли Товарларга алмаштирилишига / этишмасётган микдорини етказиб беришга мажбур. Шикоятни кондиришнинг иложи бўлмаса, Сотувчи юкорида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг 5 (беш) банк кунидан кечиктирмай етказиб берилмаган Товарлар учун ўтказилган маблагларни кайтаришини ўз зиммасига олади.

3.7. Харидор аввалги етказиб берилган Товар учун Сотувчи олдида тўлов бўйича дебиторлик карзига эга бўлса, Сотувчи товарни бермасликка ҳакли.

3.8. Товарнинг тасодифий нобуд бўлиши ёки унга зарар етказиши хавфи Сотувчи томонидан тақдим этилган хисобварак-фактурани Харидор вакили томонидан имзоланган вактда Сотувчидан Харидорга ўтади.

3.9. Харидор конунчилигида белгиланган барча зарур шарт-шароитларга эга эканликларини кафолатлайди. Харидор руҳсатнома (лицензия)лари, раҳбар ёки ваколатли шахснинг паспорти тасдикланган нусхаларини, ишончнома ва амалдаги конунчилигида белгиланган бошқа хужжатларни тақдим этмаса, Сотувчи товарни етказиб бермасликка ҳакли.

#### 4. ТОВАР СИФАТИ

4.1. Товарнинг сифати мувофиқлик сертификати билан тасдикланиши ҳамда стандартларга жавоб бериши лозим.

4.2. Харидор Товар ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган саклаш шартларига риоя килиши лозим.

#### 5. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

5.1. Товарларни кеч етказиб бериш ёки етказиб бермаслик учун Сотувчи Харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисми суммасининг 0,5% микдорида жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий микдори етказиб берилмаган товарлар кийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

5.2. Ушбу турдаги маҳсулот ёки мувофиқлик сертификатлари бўйича давлат стандартларига жавоб бермайдиган товарларни етказиб бериш учун Сотувчи Харидорга товарнинг конунга кўра мос келмаслиги хужжатли далиллар томонидан тасдикланган холда бундай товарлар кийматининг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.3. Етказиб берилган товарлар учун тўлов кечиктирилган холда Харидор Сотувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4%, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан кўп бўлмаган микдорда жарима тўлайди.

5.4. Товар танланмаганлиги учун, шунингдек, шартномада белгиланган муддатда Сотувчи томонидан етказиб берилганда товарни қабул килишдан асоссиз бош тортганлик учун Харидор сотувчига 5%, тез бузиладиган товарлар учун эса – танланмаган (ўз вактида олинмаган) товар кийматининг 10% микдорида жарима тўлайди.

5.5. Неустойка (жарималар, пеня) тўлаш конунчилика назарда тутилган холлардан ташкири, ўзининг келишилган мажбуриятларини бузган томонни шу мажбуриятларни бажаришдан, ва томонлардан бирининг келишилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишли равища бажармаганлик натижасида етказилган зарарни (йўқолган фойда) коплашдан озод килмайди

5.6. Ушбу шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар тинч йўл билан, томонлар ўртасидаги музокаралар орқали хал килинади. Музокалар орқали ўзаро келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, низолар дарьогар жойлашган манзилдаги Иктисадий судда кўриб чиқилади.

#### 6. ФОРС – МАЖОР

6.1. Форс-мажор холатлари юзага келган вактда ва улар конунчилика ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган холатда томонлар ушбу шартнома бўйича жавобгарликдан озод килинади.

6.2. Енгилмас куч бартараф этилганидан сўнг томонлар келишув бўйича ўз муносабатларини кайта тиклашлари мумкин.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

6.3. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

#### 8. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

##### СОТУВЧИ

«SMART FARM-2020» МЧЖ

Манзил: Навои шахри С.Айний кучаси 99 уй  
Эл.манзил: [money201313@inbox.uz](mailto:money201313@inbox.uz)  
Тел: (93) 316-77-06,  
Банк: «Ипак йули» Навои шахар филиали  
Х.р: 2020 8000 4052 9008 2001, МФО: 00199  
СТПР: 307 809 781

Директор

(имзо ва муҳр)

Бердиев Ш.М

##### ХАРИДОР

Марказий банк Навоий вилояти  
бош бошқармаси

Х/Р: 19909000500000020034  
Банк номи: Навоий шахар XKKM  
МФО: 00020 ИНН: 200007324  
Манзил: Навоий шахар, Ҷ. Алишонов кўчаси 220 уй  
Тел: (79) 229-44-17

Бош бошқарма бошлиги

Х.С.Пардаев

Бош юрисдониётчилик министри  
Б.Орипов

